



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING  
ҚАРОРИ

**377** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Республика ёғ-мой тармоғини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, техник чигитдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ёғ-мой саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини янада тўлиқ юклашни таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республиканинг ёғ-мой тармоғини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 7 сентябрдаги ПҚ–1401-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ёғ-мой ва озик-овқат саноати уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан ҳамкорликда ёғ-мой саноати корхоналарининг технологик жиҳозланиш ҳолати, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлиги, техник чигитни қайта ишлаш технологик регламентларига риоя этилиши танқидий ўрганиб чиқилди;

раҳбар ходимлар аттестациядан ўтказилди ҳамда тармоқ корхоналарини мазкур соҳада тегишли билим ва иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассислар билан таъминлаш чора-тадбирлари кўрилди;

ўтказилган таҳлил асосида техник чигитни қайта ишловчи ёғ-мой тармоғи корхоналарининг сонини янада мақбуллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республиканинг ёғ-мой тармоғини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 7 сентябрдаги ПҚ–1401-сон қарорининг янгиланган 1-илоvasи иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 — 2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 20 июлдаги ПҚ–672-сон қарорининг 2-бандидаги «ва ёғ-мой» сўзлари чиқариб ташлансин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 3 ноябрь,  
ПҚ–1427-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.